# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 58 (9.555) 2001 йил 21 май, душанба ◆ Сотувда эркин нархда


# ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

## ҚИСҚА сатрларда

❑ **ТОШКЕНТ** автомобиль йўллари институтида ўқитувчилар иштирокида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг биринчи босқичи якунлари ва иккинчи босқичи режаларига бағишланган семинар ўтказилди.

❑ **ИЧКИ** ишлар вазирлиги Академиясида ўтказилган «Юридик фанлар ва амалиётнинг ривожланиши» мавзусидаги илмий-амалий анжуманда ҳуқуқшунослик фанлари ўқитувчилари иштирок этишди.

❑ **ИСТИҚЛОЛНИНГ** 10 йиллигига бағишлаб Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида филолог олимлар иштирокида бўлиб ўтган илмий-амалий анжуман «Ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш методикаси» деб номланди.

ТАДБИРКОРЛИК

## Маҳаллий хом ашёдан

**Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида фаолият кўрсатаётган «Гемотоген» масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқариши йўлга қўйилган гемотоген маҳсулотлари мазаси, соғлиққа фойдаси ҳамда чиройли кўриниши билан ўз харидорини топмоқда.**

Ушбу жамоа цехлари Россия давлатидан келтирилган замонавий ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, бугунги кунда 27 ишчи-хизматчи сифатли ва керакли маҳсулот ишлаб чиқариш йўлида астойдил меҳнат қилишмоқда.

— Мамлакатимизда тадбиркорларга яратилаётган шарт-шароит ва берилаётган имкониятлардан фойдаланиб пойтахтимиз иқтисодиёти ривожига ўз ҳиссамизни қўшишга ҳаракат қилмоқдамиз, — дейди жамият раҳбари Дониёр Файзиев. — Шу билан бирга одамларимиз соғлиғи учун зарур бўлган гемотоген маҳсулотини хориж технологияси асосида маҳаллий хом ашёдан тайёрлаяпмиз. Бу аҳоли учун ҳам қулай, ҳам четдан келтириладигандан кўра арзон.

Корхона аҳли бозор талаблари асосида иш юритиб янги-янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни режалаган. Улар истеъмолчилар учун севимли «Ирис» ширинликлари ҳамда қуюлтирилган сут ишлаб чиқаришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган. Бу борада мутахассисларнинг изланишлари олиб борилмоқда, хорижий шериклар билан ҳамкорликни йўлга қўйишга ҳаракат қилинмоқда.

**Дилноза ҒИЁСОВА**

ТАҚДИМОТ

## ЯНГИ БОСМАХОНА ДАСТГОҲЛАРИ

***«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида янги «RAPIDA-105 4+L1 русумидаги босмахона дастгоҳларининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.***

Дастгоҳлар Германиянинг «КВА—ПЛАНЕТА» компанияси томонидан ишлаб чиқарилган бўлиб, соатига 15 минг саҳифагача маҳсулот босиш қувватига эга.

Жаҳон андозаларига тўла мос бу дастгоҳлар Осиё тараққиёт банкининг кредити ҳисобига харид қилинган. Улар ёрдамида анъанавий қоғоз турлари билан бир қаторда, картон қоғозларда ҳам босма маҳсулотлар ишлаб чиқариш мумкин. Мазкур дастгоҳлар 2000 йили Германиянинг Дюсселдорф шаҳрида ўтказилган халқаро полиграфия кўргазмасида «Экологик жиҳатдан энг тоза» совринига ҳам сазовор бўлган.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси мутасаддиларининг айтишича, янги дастгоҳларда асосан мактаб қўлланмаларини босиш кўзда тутилмоқда. Компаниядаги технологик жиҳатдан эскирган дастгоҳларни янгилари билан алмаштириш режалари ҳам бор. Бу борада ҳозир Германия ва Австриянинг етакчи фирма ва компаниялари билан алоқалар ўрнатилмоқда.

**(ЎзА).**

## Компьютер имтиҳон олади

**Ҳадемай пойтахтимиздаги ўрта мактабни битириб, ўқишни давом эттирмоқчи бўлган ёшлар ўзлари танлаган олий ўқув юртларига қараб йўл оладилар.**

Табиийки имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиш учун турли фанлар бўйича олдиндан билимларни текшириб кўриш ва танлаган касб бўйича ўқишга кира олиш имкониятларини аниқлаш ва унга қандай эришиш кўп ёшларни қизиқтиради.

Яқинда Тошкент Давлат техника университети қошидаги Чилонзор академик лицейида компьютерлар Давлат тест Марказига уланди. Ўзини синаш истагини билдирганлар бу компьютерларга ўтириб, керакли олий ўқув юртини, мутахассисликни танлаб, тестларни ечиб, ўтиш балини ва синов натижаларини кўришлари мумкин бўлди.

Куни кеча ушбу лицейда тест дастурининг тақдимоти бўлиб ўтди. Тадбирда Тошкент Давлат техника университети ректори профессор Қ.Аллаев, ректорат масъул ходимлари, Чилонзор, Акмал Икромов, Шайхонтоҳур туманларидаги ўрта мактаб директорлари қатнашдилар. Давлат тест маркази раҳбари М.Муҳитдинов меҳмонларни тест дастури, унинг техник ва бошқа имкониятлари билан таништирди.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

# Тошкент гольф клубида катта спорт байрами

ГОЛЬФ БЎЙИЧА 1-ЎЗБЕКИСТОН ОЧИҚ ЧЕМПИОНАТИ
2001 й. 20 май ТОШКЕНТ ГОЛЬФ КЛУБИ
GOLF 1ST UZBEKISTAN OPEN
MAY 20TH 2001 TASHKENT GOLF CLUB





















**Кейинги пайтларда ҳаётимизнинг турли жабҳалари, хусусан спорт ҳақида гап кетганда биринчи сўзини қўллаш хайрли одат тусига кирди. Зеро, биринчи ўзбек автомобили, теннис бўйича биринчи Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги, ўзбек кураши бўйича дастлабки жаҳон чемпионати, бокс бўйича биринчи олимпия чемпиони деганда ҳамюртларимиз дилларида фахр-ифтихор туйғулари жўш уради... Бугунда спорт ҳаётимизда яна бир муҳим воқеа — янги гольф спорт турининг мустаҳкам ўрин олганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз.**

**КЕЧА** чарақлаб турган қуёшу шабаданинг майин эпкини, миллий одатимизга кўра янграган дилларни яйратувчи карнай-сурнай садолари эрта тонгдан ҳамюртларимизни кўнгилга қувонч бахш этувчи катта спорт байрами — гольф бўйича Ўзбекистоннинг биринчи очиқ чемпионати баҳсларининг шоҳиди бўлишга чорлай бошлади.

Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда асос солинган спортнинг янги тури — гольф бўйича биринчи очиқ Ўзбекистон чемпионатига ташриф буюрган турли давлат вакиллари ва ўзбекистонлик ҳаваскорлардан иборат 100 нафар қатнашчи 18 та гуруҳга бўлиниб майдонда баҳсларни бошлаб юборишди.

Ушбу жозибали ва тезкор ўйин барча мухлислар каби бизнинг ҳам дилимизни тезда ром этди.

**Ирландиялик маҳоратли гольф устаси чемпионат қатнашчиси Брайан Линч қувонч билан шундай деди:**

— Мен Таиланд, Малайзия, Буюк Британия, Шотландия, Ирландия, Германия, Испания ва Франциядаги гольф турнирларида қатнашганман. — Бинобарин, Тошкент гольф клубини Осиё қитъасидаги энг яхши, жаҳон андозалари талабларига тўла жавоб беради деб баралла айта оламан. Бугунги мусобақалар ҳам аъло даражада ташкил этилди. Менда айниқса ўзбекистонлик ҳаваскор гольфчиларнинг ўйинлари яхши таассурот қолдирди. Яна уч-тўрт йилдан кейин ушбу хушманзара гольф клуби майдонларида профессионаллар ўртасида ҳам йирик халқаро мусобақаларнинг ўтишига ишонаман. Ўзбекистонлик ёшларнинг ҳам гольф билан худди Ирландия ва Шотландиядаги каби фаол шуғулланишларини истардим.

— Ташқаридан қараганда гольф оддий ўйинга ўхшаб кўринса-да, бироқ ўзинг ўйнасанг унинг мураккаблигию жозибасига дуч келасан, — деди биз билан суҳбатда чемпионат қатнашчиларига хизмат кўрсатувчи «кеди» Сарвар Олимов. — Тошкент гольф клубида барча хоҳловчилар учун икки ҳафталик курслар мавжуд бўлиб, унда дастлабки кўникмалар берилади.

Шу куни чемпионат баҳсларини кўплаб ишқибозлар, айниқса шаҳримиздаги олий ўқув юртларининг талабалари мароқ ва иштиёқ билан кузатишди. Улар учун гольф таёқчалари орқали зарба берган ҳолда ушбу ўйин қоидалари билан танишиш учун ҳам имконият яратилди. Талабалар ўз таассуротларини бажонидил биз билан ўртоқлашишди.

**• Беҳзод ТОШТЕМИРОВ, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети халқаро ҳуқуқ факультетининг II курс талабаси:**

— Гольф ўйинини илгари фақат аҳён-аҳёнда ойнаи жаҳон орқали кўрардик. Илк бор «жонли» ҳолатда томоша қилган ҳолда шундай хулосага келдикки, у табиат қўйнида дам олиб ақлни пешлайдиган, юксак маҳоратга таянадиган ўйин экан.

**• Дурдона ҚУДРАТОВА, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти спорт ўйинлари факультетининг II курс талабаси:**

— Ўзим спортни жон-дилимдан севаман — ўзбек кураши, волейбол, қўл тўпи, миллий ўйинлар билан шуғулланаман. Бугун ўзим учун яна бир қизиқарли ўйинни кашф қилдим. Жаҳон мамлакатларидан кенг ўрин олган гольф Ўзбекистонда ҳам ривожланиб, спортчиларимиз халқаро миқёсга чиқишини орзу қиламан...

Чемпионат қатнашчилари ушбу тарихий кунда нафақат мароқ билан беллашиб, ўз маҳоратларини намойиш қилишди, балки, турнир якунидан сўнг ўзбек қўшиқ ва рақсларидан тузилган миллий санъатимизнинг гўзал дурдоналаридан баҳраманд бўлиб ўзлари ҳам завқ-шавқ билан ўйинга тушишди.

Ниҳоят, мусобақа якунланиб ғолиблар аниқланди. Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов ва гольф уюшмасининг бош котиби Со Кон И барча ғолиб ва совриндорларга мусобақа мукофот ва совринларини топширишди.

Умумий ҳисобда Жанубий кореялик тадбиркор Ким Хан И мусобақа ғолиби бўлиб махсус Кубок ва бош соврин — «Гран При» — «Нексия» автомашинаси билан тақдирланди. Иккинчи ва учинчи ўрин — Ким Сок Те ва Чой Кёнг Сокларга насиб этди.

Очколар бўйича энг яхши натижани ирландиялик Брайан Линч кўрсатиб ғолиб чиқди. Бундай ҳисобда иккинчи ўрин Корея Республикаси вакили Ли Хик Ён, учинчи ўрин эса ҳамюртимиз Юрий Кимга насиб этди.

Аёллар баҳсида умумий ҳисобда Корея Республикаси вакили Ким Сун Ок, ғолиб чиққан бўлса очколар бўйича энг яхши натижани Ли Жём Сонг кўрсатди. Барча ғолиб ва совриндорлар махсус кубок ва қимматбаҳо совғалар, ўзига хос ўйин кўрсатган иштирокчилар ҳам махсус совринлар билан тақдирланди.

— Чемпионатда омад кулиб боқиб ғолиб чиққаним учун Яратганга шукр, — деди мусобақа ғолиби Ким Хан И. — Шундай файзли гольф байрамини ташкил қилгани учун Ўзбекистон ҳукуматига ҳам ташаккур билдираман. Ўзим 15 йилдан бери гольф билан шуғуллансамда илк бор автомашина ютуғи билан тақдирландим. Ўзбекистон тупроғи мен учун омадли — ўтган йили ҳам ўтказилган мусобақада ғолиб чиқиб, Тошкент гольф клубига бир йил аъзо бўлиш ҳуқуқини қўлга киритгандим. Бундай турнирлар Ўзбекистонда ҳар йили ўтказилади деб ўйлайман ва албатта уларда қатнашишга ҳаракат қиламан.

Гольф бўйича Ўзбекистон 1-очиқ чемпионати спорт байрамида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳамидулла Кароматов, Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг раиси Баҳодир Маҳситов иштирок этди.

**Дилшод ИСРОИЛОВ.**

**СУРАТЛАРДА: чемпионатнинг ҳаяжонли лаҳзаларидан лавҳалар.**

**Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар.**

# XXI аср садоси

**Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар**

## Мамлакатимизда

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда АҚШ Қуролли кучлари Марказий қўмондонлиги бош қўмондони Томми Франксни қабул қилди.

• Урганчда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида жорий йилда сув тақчиллиги оқибатларини енгиллаштириш бўйича махсус ҳукумат комиссиясининг сайёр йиғилишида сув тақчиллиги муаммоларини ҳал этишга доир чоралар мажмуи муҳокама қилинди.

• Бухоро вилояти «кумуш тола» ижодкорлари қабул пунктларига 1 минг 980 тоннадан зиёд пилла топшириб, йиллик шартнома режасини мамлакатимизда биринчи бўлиб бажардилар.

• Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Бутунхитой касаба уюшмалари федерацияси котиби Донг Ли бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раҳбарияти ҳамда юртимиз касаба уюшмалари фаоллари билан учрашди.

• «Ўздавстандарт» марказида стандартлаш ва сертификация, истеъмол бозорини муҳофаза қилиш муаммолари ҳамда Европа Иттифоқининг уларни ҳал этишга ёндошувига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

• **Кеча** мамлакатимиз Кон-металлургия саноати ходимлари биринчи марта ўзларининг касб байрамларини нишонладилар.

• Урганчда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказиш масалаларига бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

• Қашқадарё вилоят ҳокимлигида қишлоқ хўжалигининг бугунги долзарб масалаларига бағишланган кенгаш бўлди.

• Пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида Маданият ишлари вазирлиги ҳамда «Ўзбекмузей» жамғармаси ҳамкорлигида Халқаро музейлар кунига бағишланган тадбир ўтказилди.

• 25 майдан 3 июнгача пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Санъат саройида Европа киноси кунлари бўлиб ўтади. Кино санъати мухлислари эътиборига 14 фильм ҳавола этилади.

• **Эртага** муҳташам «Туркистон» саройида «Ўзбекистон қўшиқ байрами» Тошкент шаҳар кўрик-танлови бўлиб ўтади.

## Жаҳонда

• **Кеча** Исроил ташқи ишлар вазири Ш. Перес Москвага келди. Уни Россия Федерацияси Президенти В. Путин, Россия ташқи ишлар вазири И. Иванов қабул қилди. Яқин Шарқ минтақасидаги кескин вазият олиб борилган музокараларнинг бош мавзуи бўлди.

• **Кеча** Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Минск гуруҳи кузатувчилари Тоғли Қорабоғга келди.

• Қирғизистон Бош вазири К. Боқиев мутахассисларнинг ҳисоблашича, Жалолобод вилоятида 10 миллион тоннага қадар нефть борлигини айтди.

• **Кеча** Германия ташқи ишлар вазири И. Фишер бошчилигидаги ГФР делегацияси Бокуга келди.

• Украинада ўлим жазоси бекор қилинди. Президент Л. Кучма ана шу ҳақдаги Фармонга имзо чекди.

• Хитой Халқ Республикаси Раиси Цзян Цзэмин Австрия Президенти Томас Клестил бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

• **Эртага** Ирландия раҳбари Мэри Макэлис ўзининг Финляндия ва Эстонияга ташрифини бошлайди. Ирландия Президенти Хельсинкида Финляндия Президенти ва Бош вазири билан учрашади. Эстонияда Макэлис Тарту университетида маъруза ўқийди.

• 16 июнда Словения пойтахти Люблянда Россия ва АҚШ Президентлари Владимир Путин ва Жорж Буш учрашади. Россия ташқи ишлар вазирининг АҚШга ташрифи чоғида ана шунга келишиб олинди.

• Бутунхитой халқ вакиллари мажлисининг Раиси Ли Пэн ташриф билан Камбоджага келди. Бу ерда у қироллик раҳбарияти билан хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги қатор давлатлараро шартномаларни имзолайди.

• 1970 йилда қирқ нафар намойишчини оммавий равишда отишга буйруқ берганликда айбланаётган Польшанинг собиқ раҳбари В. Ярузельский устидан қўзғатилган суд яна кейинга қолдирилди.

• Перунинг собиқ Президенти Фухимори ўз фаолияти давомида хориждан учта қирувчи самолёт сотиб олиш баҳонасида 48 миллиард доллар ўзлаштирганлиги ошкор қилинди.

• Шу йилнинг 10 июнидан 20 июлига қадар Хитойда хорижий фильмларни кўрсатиш тақиқланади, Хитой компартиясининг санасини байрам қилиш муносабати билан ана шундай қарорга келинди.

• **Кеча** Мўғулистонда мамлакат Президенти сайловлари бўлиб ўтди. Уч киши ана шу лавозимга даъвогарлик қилди.

• Россия ва Беларусь иттифоқи давлат котиби Павел Бородин Женева судидан қайтар экан, уни ҳеч қандай таҳликали воқеалар кутмаётганлигини таъкидлади.

• **Кеча** Каннда Халқаро кинофестиваль ўз ишини якунлади.

• Теҳронда газ қазиб олувчи мамлакатлар вакилларининг учрашуви бўлиб ўтди.

• Россиянинг сув остида қолган Ленск шаҳрининг 25 минг аҳолисидан 8 минг нафари кўчирилди. Сув сатҳи эса 17 метрга етган.

• Японияда хусусий самолётнинг вертолёт билан тўқнашиб кетиши оқибатида олти киши ҳалок бўлди.

• Ўзининг одатдан ташқари ҳаракатлари ва баёнотлари билан оғизга тушишга улгурган Япониянинг янги ташқи ишлар вазири, 57 ёшли Макико Танака энг тез матбуот анжумани ўтказиш бўйича ҳам жаҳон рекордини ўрнатди. Унинг журналистлар билан навбатдаги учрашуви бор-йўғи 40 сонияни ташкил этди. Ташқи ишлар вазири Японияга Нигерия Президенти келаётганлигини айтди-да, журналистларнинг саволларига жавоб қайтаришдан бош тортди.

• Британия сиёсий ҳаётида одатдан ташқари воқеа юз берди. Бош вазир ўринбосари Жон Прескотт намойишчи билан ёқалашиб кетди. Ушбу ёқалашиш миллионлаб телетомошабинлар кўз ўнгида юз берди. Шундай қилиб мамлакат аҳолиси бир неча марта ана шу ёқалашув тасвири туширилган лентани томоша қилишдан ташқари рўй берган воқеани тўлалигича таҳлил этишга ҳам муваффақ бўлди.

• Анқарада юк самолёти ҳалокатга учраганлиги сабабли тўрт нафар киши ҳалок бўлди.

## Муросасиз беллашув

OZBEKISTON FUTBOL CHEMPIONATI 2001

Мамлакат X миллий чемпионатининг 18 майда ўтказилган 12-тур мусобақалари турнир жадвалида маълум ўзгаришлар ясади. Ушбу турда пойтахтимизнинг икки жамоаси «Пахтакор» ва «Академия» ўзаро куч синашишди. Пахтакорчилар ушбу ўйинда 2:1 ҳисобида ғалаба қозонишди. Пахтакорчилардан ҳар икки тўпни дарвозага Леонид Кошелев, меҳмонлардан эса Ярослав Крушельницкийлар йўллашди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди. «Семурғ»— «Сўғдиёна» 1:4, «Навбаҳор» — «Самарқанд — Динамо» 3:1, «Дўстлик»— «Турон» 4:1, «Кимёгар» — «Зарафшон» 2:0, «Сурхон» — «Андижон» 2:4, «Насаф» — «Нефтчи» 1:1.

Навбатдаги 13-тур учрашувлари 27 май куни ўтказилади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

10 Шу азиз Ватан — барчамизники!

# Биздан келажак авлодларга озод ва обод Ватан қолсин.

**Ислом КАРИМОВ**

## МУСТАҚИЛЛИК МЕВАЛАРИ







# 2. БИНОЛАР






***Юртимиз фахридир гўзал бинолар,***
***Таърифига лолдир ҳатто донолар.***

Ишдан қайтаётиб Темурийлар тарихи Давлат музейи олдида икки чет эллик сайёҳга дуч келдим. Улар мендан шу бино ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилишди. Истакларини бажо келтирдим. Кейин йўлимиз бир тушиб Юнусобод томон кетдик.

Сайёҳлар «Шератон» меҳмонхонаси қаршисида бир зум тўхтаб қолишди. Унинг қурилиши билан қизиқишди. Яна «экскурсоводлик» қилишга тўғри келди. «Дўстлик» меҳмонхонаси олдида трамвайга чиқиб, Амир Темур кўчаси бўйлаб кетдик. Йўл-йўлакай «Олой» бозори, Ўзбекистон Миллий банки, «Тошкентленд» боғи, «Интерконтиненталь» меҳмонхонаси, «Юнусобод» теннис корти, «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуаси, Шаҳристон бекатида қад кўтараётган янги турар жой бинолари, метронинг Юнусобод йўналиши ва ниҳоят «Юнусобод» бозори, Аҳмад Дониш кўчаси устидан ўтган маҳобатли кўприк қурилиши ҳақида сўраб боришди. Бу мажмуаларнинг ҳаммаси Мустақиллик йилларида қурилиб, фойдаланишга топширилганлигини айтдим.

Ўн йиллик қисқа муддат ичида шу қадар кенг миқёсли ишлар қилинганлигига уларнинг ақли бовар қилмасди. Ўйланиб қолдим. Меҳмонларни лол қолдирган бу ўзгаришлар бир кўчадагина рўй берган янгиликлар. Агар уларга шу дамда бутун шаҳар миқёсида ёки мамлакатимизда бўлган бунёдкорлик ишлари ҳақида ҳикоя қилсак ҳайратдан ёқа ушлашлари турган гап.

Яқинда хизмат юзасидан бир корхонада бўлишимизга тўғри келди. Тушлик пайти бир гуруҳ ишчилар атрофига шохлаб кетган катта гилос дарахти тагига қўйилган каравотда чойхўрлик қилиб ўтиришарди. Улар билан гурунглашиб қолдик.

— Бу гилосни директоримиз экиб кетган. Ўшанда кўпчилигимиз тошлоқ ерда дарахт ўсадими, деб унинг устидан кулгандик. «Ўсади», деганди у қатъий, — ҳамма нарса парваришга боғлиқ». Директоримиз ҳақ экан. Ўзи эккан дарахтни эринмай ўзи парвариш қилди. Уч-тўрт йил ўтар-ўтмас, гилос ўсиб ҳосилга кирди. Мана энди шу дарахтнинг соясида мириқиб дам оламиз, ҳам ҳосилини еймиз.

Билмадик, ушбу корхона ташкил топгандан буён унга қанчадан-қанча раҳбарлар келиб-кетди экан. Албатта улар ҳам баҳоли қудрат ўз бурчларини бажаришга ҳаракат қилишган. Лекин инсоннинг яхши хусусиятлари ўз бурчини қандай ўташидан кўра, кўпроқ унинг ҳаётда қолдирган бирор қутлуғ изи, эсдалиги билан ўлчанар экан. Бир туп дарахт ўстириб кишилар қалбига шунчалик яхшилик уруғини сочган кишининг ёди корхонадошлари тилида турганда, бутун бошли мамлакатни обод қилишда бош-қош бўлаётган Юртбошимизнинг фидойи меҳнатларини ҳар қанча сўзласак, таърифласак оз. Келинг, Истиқлол йилларида бунёдга келган қатор-қатор иншоотлардан бири— муҳташам биноларга бир назар ташлайлик. Ана шунда дилимиздаги қутлуғ сўзлар тилимизга чиқиб, ҳаммаси аён бўлади-қолади.

**Бир кошона таърифи олам жаҳон,**
**Унда кезар руҳи зот Соҳибқирон.**

Сафарни қутлуғ даргоҳ Темурийлар тарихи Давлат музейидан бошлаш жоиз кўринди. Буюк Соҳибқирон руҳи яхши ва эзгу ниятларимизнинг амалга ошишида бизга мададкор бўлса не ажаб. Бугун бу бино Туронзамин учун абадийлик тимсолига айланган. У Бибихоним, Кўксарой, Оқсарой, Шоҳизинда ёдгорликлари каби мағрур қад ростлаб турибди. 18 устун кўтариб турган бу обида қурилишида бутун мамлакат қатнашди. Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Қарши, Термиз ва тошкентлик халқ усталари тер тўккан бу даргоҳ саккиз ой мобайнида қад кўтарганига балки ўша чет эллик дўстларимиз ишонмас. Лекин бу айни ҳақиқат.

Шовуллаб турган фавворалар ёнидан ўтиб бино ичкарисига киришингиз билан дастлаб кўзингиз девору шифтларда ял-ял тобланиб турган нақшларга тушади. Уларнинг нақадар сержилолигини кўриб инсон қўли гул эканлигига яна бир бор тан берасиз. 1996 йилнинг 18 октябрида ушбу музейнинг тантанали очилиш маросимида йўлбошчимиз Ислом Каримовнинг: «Амир Темур — бизнинг шоншавкатимиз, ғурур-ифтихоримиздир... Жаҳонга Амир Темурдек буюк даҳони берган халқ мангу яшасин, бахту саодати зиёда бўлсин!», деган сўзлари ҳали-ҳамон қулоқларимиз остида жаранглаб турибди.

**Гўзалликка мосдир бугун «Туркистон»,**
**Мақтовига арзир битсанг бир достон.**

Мустақиллик майдонининг энг тепасида, сўлим Анҳор соҳилида яна бир муҳташам бино қад ростлаб турибди. Бу «Туркистон» саройи. Унинг ёнгинасида ёзги концерт зали. Саройга кираверишда Ҳумо қуши қанотларини ростлаб кўкка парвоз қилмоқчидек бўлиб турибди. Ушбу манзарани кўрганимда ҳар гал: «Ҳумо қуши — бахт қуши, у Туркистон бошига қўнди. Илоҳим, шундай буюк бахт ҳеч қачон тарк этмасин бизни» деган фикр ўтаверади хаёлимдан.

Бу саройнинг ичида бўлиш насиб этганми, сизга? Унинг ажойиб саҳнаси, томоша залини кўрганмисиз? Шифтлардаги безаклар уста Ширин Муродов, Тошпўлат Арслонқуловлар ишлаган нақшлар каби ёниб турибди. Айниқса улар залдаги минглаб чироқлар оғушида ранг-баранг товланади. Бу саройда Марказий Осиё халқларининг анъанавий анжуманлари, қанчадан-қанча санъат байрамлари бўлиб ўтди.

У ишга тушган етти йилдан буён не-не буюк зотларнинг қадами тегмади бу кошонага. Бу бино боқийликка дахлдорлар орасида обод ва озод Ватан тимсоли сингари умри боқий бўлиб турибди.

**«Интерконтиненталь» деб атарлар уни,**
**«Тошкентленд» боғининг мисоли гули.**

Мана пештоқида тўрт юлдуз порлаб турган басавлат меҳмонхона қаршисида турибмиз. Унинг ташқи кўринишини кузата туриб, шундай серҳашам бинони бунёд этишда иштирок этган қурувчилар ҳимматига тасаннолар айтамиз. Мутахассисларнинг бизга тушунтириб беришларича, бу меҳмонхона қурилишига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада халқаро савдо объектлари мажмуасини бунёд этиш тўғрисида»ги қарори асос бўлган экан. Ана шундан кейин улкан бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди. Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги меҳмонхона қурилишига буюртмачи сифатида қатнашган бўлса, Туркиянинг «Юксель Инмаат» фирмасига қарашли «Ай-Сель» корхонаси унга бош пудратчилик қилди. Бино лойиҳаси эса ўзбек ва америкалик меъморлар ҳамкорлигида яратилди. Асосий технологик ускуналар Туркия ва Англиядан келтирилди. Шунингдек, кошонани жиҳозлашда Италия, Африка мармарларидан ҳам фойдаланилди.

Сержило нурлар билан ёритилган юмшоқ лифт ёрдамида юқори қаватларга кўтарилдик. Йўлак бўйлаб юрарканмиз, кўз ўнгимизда бир-биридан гўзал безакли эшиклар ва сержило хоналар пайдо бўла бошлади. Улар ҳар қандай одамни ҳайратга соларли даражада. Хона жиҳозларининг таъриф ва тавсифи йўқ.

Юқори қаватлардан шаҳар кўринишини бир зум кузатамиз. Амир Темур кўчаси бўй-басти билан яққол кўриниб турибди. Ўнг томонда соғломлаштириш маскани, орқада «Тошкентленд» истироҳат боғи, ундан нарироқда Анҳор ва «Юнусобод» теннис корти. Хуллас бу ердан шаҳарнинг ярим манзарасини томоша қилиш мумкин. Бинонинг биринчи ва иккинчи қаватларида эса турли барлар ва ресторан ўрин олган.

Ташқарига чиқиб, меҳмонхонага яна бир бор назар ташладик. Гўё у меҳмонларни ўз бағрига чорлаётгандек. Турли мамлакатлардан келган сайёҳлар, тадбиркор ва бизнесменлар учун мўлжаллаб қурилган бундай меҳмонхона шаҳримизда ягона эмаслигини ўйлаб фахрланиб кетдик. Бугун ўз салобати билан кўкка бўй чўзиб турган «Шератон», «Ле Меридиан» каби меҳмонхоналар кимни ҳам ҳайратга солмайди дейсиз.



**Биржамиз эшиги очиқ куну тун,**
**«Ким ошди» савдоси ўтади ҳар кун.**

1996 йилнинг 19 март куни мустақил республикамиз бўйлаб яна бир қувончли хабар тарқалди. Худди шу куни пойтахтимиз марказидаги мазкур бино — давлат филармонияси концерт зали ўрнида республика биржа маркази очилди. Биринчи бўлиб Президентимиз энг замонавий техника, компьютерлар ва МДҲда ягона бўлган табло кўрсаткичи билан жиҳозланган ушбу марказ билан яқиндан танишди, мутахассислар билан суҳбатлашди.

Ўшандан бери орадан беш йилдан ортиқроқ вақт ўтди. Бу давр мобайнида бу кошонага неча-неча мўътабар инсонлару тадбиркор ва ишбилармонларнинг қадами етмади, ҳожати чиқмади дейсиз.

Бугун шу ҳақда ўйлай туриб замини зар, тупроғи олтин Ўзбекистонимизни чарақлаб турган бир бутун қуёшга ўхшатгим, унинг ҳудуди бўйлаб ниҳоятда тез қад кўтараётган улкан биноларни, маданий-маиший иншоотларни эса мовий осмонимизда порлаб турган ёрқин юлдузларга қиёслагим келади. Республика Биржа маркази эса ана шу юлдузларнинг энг чароғони сифатида пойтахтимиз ҳуснига ҳусн қўшиб турибди.

Бугун Марказий Осиёда ягона ҳисобланган бу бинони бунёд этишда қатнашган қурилиш ташкилотлари номини яна бир бор тилга олгимиз келади. Улар орасида Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги қурилиши, Республика хўжаликлараро қурилиш ташкилотлари бор. Шунингдек, бино қурилишида шаҳримиздаги «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси», «Оникс» ва «Ўзэлектроаппарат» ҳиссадорлик жамиятлари жамоаларининг муносиб улушлари бор.



Бугун миллий боғимизга ташриф буюрган кишининг қулфи-дили очилади. Унга янада салобат, кўрку таровот бағишлаб турган Олий Мажлис биноси бир зум ўзига мафтун этади сизни. Довруғи оламга кетган бундоқ иморат Шарқда биринчи десам хато бўлмас. У Мустақиллигимиз меваси, Истиқлолимизнинг дилбар кошонаси сифатида мағрур қад кўтариб турибди.



Тан олиш керак, шаҳримизда шарқона услубда қурилаётган баланд қаватли уйлар қатори жаҳон андозаларига мос замонавий маъмурий осмонўпар бинолар тобора кўпайиб бормоқда. Улар Тошкентимиз ҳуснига гўзаллик бағишлабгина қолмай, балки шаҳар аҳолиси хизматига камарбасталик қилмоқда. Шундай бинолар жумласига Миллий банк ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жойлашган кошоналарни киритиш мумкин. Биз улардан бирига ташриф буюрганимизда ўхшаши йўқ манзаранинг гувоҳи бўлдик. Бино фойесининг ўнг ва чап томонларидан ўрин олган икки улуғ зот Соҳибқирон Амир Темур ва Улуғбек боболаримизнинг бетакрор ҳайкалларига кўзимиз тушди. Назаримизда гўё улар умумманфаат юзасидан хизмат кўрсатаётган банк ходимларига хайрли ишларида муваффақият тилаётгандек эди. 22 қаватдан иборат бўлган бинонинг ҳар бир қаватида илғор электрон алоқа, телефон, компьютер тармоқлари, музокаралар олиб бориладиган катта ва кичик хоналар, овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш хоналари мавжуд.

Чиндан ҳам бугун ўзбек халқининг бунёдкорлигини бутун дунё тан олмоқда. Мустақиллик йилларида дунёга келган қайси бир соҳани олмайлик энг аввало кўзга ташланадигани айнан бунёдкорлик, яратувчанлик ишлари бўлади. Ушбу тарихий тадбирларга бош-қош бўлаётган, халқимизни бутун дунёга бунёдкор сифатида танитаётган ҳам Юртбошимиз эканлигини бугун барчамиз дилдан ҳис этиб турибмиз. Бирор йил йўқки, хоҳ мамлакатимиз пойтахти, хоҳ вилоятларда бўлсин бунёдкорлик тадбирлари давом этмаган бўлса.

**Университет, лицейлар ўзига чорлар,**
**Уларни тўлдирган бахтиёр ёшлар.**

Бугун Эски шаҳарни, қўйингчи, Тошкентимизнинг ҳар бир кўчасини кезган киши бири-биридан тароватли турар жой бинолари, шарқона услубда қурилаётган маданий ва маиший мажмуаларни кўриб уларнинг лойиҳачилари-ю қўли гул қурувчилари ҳимматига тан беради. Биргина ўтган йили бунёдкорлик бўйича қилинган ишлар шу қадар салмоқлики, уларни бирма-бир санаб ўтишнинг имкони йўқ. Хусусан, «Она ва бола скрининги» республика тиббий маркази очилиб, фуқароларга хизмат кўрсата бошлади. Мирзо Улуғбек туманида умумий лойиҳа қиммати 12 миллион АҚШ долларига тенг «СОС—Ўзбекистон болалар маҳалласи»нинг биринчи навбати ишга туширилди. Шайхонтоҳур туманида академик лицей, Собир Раҳимов туманида эса касб-ҳунар коллежларининг янги бинолари қуриб битказилди ва энг замонавий дастгоҳлар, ўқув қуроллари билан жиҳозланди. Умуман бугунга келиб шаҳарда 48 та лицей ва коллеж фаолият кўрсатмоқда.

Халқлар дўстлиги саройи олдида қурилиб, фойдаланишга топширилган Банклараро уюшмасининг замонавий биноси ҳамда собиқ «Алпомиш» саройи ўрнида қайта бунёд этилган Республика тижорат савдо-кўргазма маркази, Миробод ва Чилонзор туманларида «ЎзДЭУэлектроникс» қўшма корхонасининг иккита супермаркети, Паркент бозорининг савдо шохобчалари ва бошқа қатор савдо майдонлари шаҳар кўркига янада кўрк қўшди. Ўтган йил молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан умумий майдони 420,1 минг квадрат метр турар жой фойдаланишга топширилди. Аҳоли маблағлари ҳамда банк кредитлари ҳисобидан эса жорий йил давомида 200 минг квадрат метр уй-жойлар қурилди. Шахсий уй-жойлар қурилиши учун 355 та ер участкаси ажратилди.

Шоир айтади:

**Бор бўл, эзгуликка бахшида ҳаёт,**
**Заҳматинг туфайли етдинг ниятга.**
**Шоҳмисан, фуқаро энди умрбод,**
**Дахлдор бўлдинг сен Абадиятга.**

Бу йил Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги арафасида Тошкент метрополитенининг 7,5 километр узунликдаги олти бекатдан иборат янги Юнусобод йўналиши фойдаланишга топширилади. Шунингдек, Тошкент Давлат консерваторияси биноси, Ўзбекистон Бадиий академиясининг «Беҳзод» тасвирий кўргазма мажмуаси, Ўзбекистон халқлари тарихи музейи қурилиши каби қатор бунёдкорлик ишлари ниҳоясига етказилиб, пойтахтимиз ҳуснига янада ҳусн қўшилади. Айни дамларда Ҳамза номли Ўзбек Давлат академик драма театри биноси ҳам тубдан қайта таъмирланмоқда. Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида олиб борилаётган ободончилик ишлари ниҳоясига етмоқда. Эски шаҳарда кенг қамровли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб боріляпти. Чорсу, Кадишев ва Фарҳод бозорлари қайта таъмирланяпти. Бундан ташқари ушбу йилда 2275 ўринли иккита академик лицей ва 810 ўринли 10 та касб-ҳунар коллежлари фойдаланишга топширилади.

Бугун халқимиз ўзининг жонкуяр ва элпарвар, юртим деб, элим деб, жон фидо қилаётган одил Сарбони раҳнамолигида Ўзбекистон деб аталмиш мамлакат оламга машҳур бўлганлигидан фахрланмоқда. Шу улуғ инсоннинг рағбати билан асрларга татигулик ишлар қилинди. Бугун ноёб иншоотлар, саройлар, хиёбонлар, меҳмонхоналар, корхоналар, осмонўпар турар жой биноларини кўрганда ҳар қандай гапга чечан кишининг ҳам бир зум тили лол бўлиб қолади. Мустақиллигимизнинг ўн йиллиги мобайнида республикамиз, хусусан Тошкентимизда қад ростлаган бу шарқона меъморий кошоналар ҳар қандай мақтовга арзигуликдир. Албатта бир мақолада пойтахтимизда мустақиллик йилларида қад ростлаган барча биноларни қамраб олиш қийин.

Биз сафаримиз давомида кўплаб турли касб кишилари билан учрашиб, суҳбатлашдик. Уларнинг шаҳримизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларига бўлган муносабатлари билан қизиқдик. Жумладан, Илҳом Акбаров, Рустам Шокиров, Юнус Холтоев, Жума Назаров, Холисхон Ҳакимова, Вилоят Мўминова, Шоҳида Исмоилова, Дилбар Каримова ва яна бошқалар ўзларининг дил сўзларини деярли бир хил тарзда ифода этишди. «Истиқлол йилларида шаҳримиз мисли кўрилмаган даражада ўзгариб кетди. Ҳар куни бир йилга тенг бўлган обод ва озод юртимизга кўз тегмасин». Олийҳиммат инсонларнинг бу самимий сўзларига биз ҳам бажонидил қўшилдик.

Хулоса қилиб айтмоқчимизки, ҳар даврнинг ўз қўшиғи бўлади. Бугун ўзбек халқи ўз қўшиғини топиб олди. Етмиш йил давомида «Ҳур республикалар бузилмас иттифоқини куйлаб» рўшнолик кўрмадик. Энди Мустақиллик шарофати ила:

**Истиқлол машъали, тинчлик посбони,**
**Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод,**

дея бaралла куйлаётирмиз. Илоҳим, қурган иншоотларимизнинг мустаҳкам пойдевори янглиғ қўшиғимиз ҳам абадий бўлсин!

**Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ**

## ТРАНСПОРТ

**Маҳаллий хом ашё негизида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш давр талабига айланиб қолди. Бу борада Тошкент шаҳар йўловчилар ташиш транспорт корхоналари Давлат уюшмаси томонидан ҳам тадбиркорлик билан иш олиб борилмоқда.**

## Мустаҳкам негиз

Уюшма бошқарувининг 2 мингинчи йил якунларига бағишлаб ўтказилган ҳисобот йиғилишида масаланинг бу муҳим томонига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Шу нарса мамнуният билан қайд қилиндики, уюшма томонидан тайёрланган маҳаллий хом ашё негизида зарур буюм ва материаллар ишлаб чиқариш дастурини амалга ошириш ишлари изчиллик билан бормоқда. Бу эса ҳаракат таркиби учун товар эҳтиёт қисмларини тайёрлаш ҳажмини ошириш имконини бераётир. Шунингдек, қўшимча равишда эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш учун мустаҳкам негиз яратилмоқда.

Уюшманинг «Транстаъминот» ҳиссадорлик жамияти билан ҳамкорлиги ўз ижобий самарасини берди. Йил давомида кўплаб автошина ҳамда автокамералар, аккумуляторлар ва эҳтиёт қисмлар олинди ва уларга 1031,2 миллион сўм ҳамда 2 миллион доллар маблағ сарфланди.

Кўрилаётган бу каби тадбирлар натижасида четдан шартнома бўйича олиб келинаётган буюртма маҳсулотлар анча камайди. Уюшма корхоналарининг ўзида зарур эҳтиёт қисмлар, узел ва агрегатлар ишлаб чиқаришга эришилаётгани ўз навбатида кўплаб валюталарни тежашга олиб келди.

Ҳам мустаҳкам, ҳам аъло сифатли эҳтиёт қисмларни тайёрлашда «АТЗ—2» ҳиссадорлик жамияти меҳнат аҳли бой тажриба орттирди. Кейинги йилларда корхона 210 га яқин номдаги товар эҳтиёт қисмларни чиқаришни ўзлаштирди. Уларнинг аксарияти ўз сифат кўрсаткичи билан четдан келтирилаётган маҳсулотлардан қолишмайди.

Шу ўринда «Ремэлтранс» ҳиссадорлик жамияти мутахассислари техник изланишларини ҳам кўрсатиб ўтиш жоиздир. Ҳозир бу ерда 246 номда эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилмоқда. Шулардан 30 номдагиси ўтган йилда ўзлаштирилди.

«Ремэлтранс» шаҳримиздаги қатор корхоналар билан ҳамкорлик алоқасини йўлга қўйди. Натижада яна қўшимча равишда талайгина эҳтиёт қисмларни чиқаришга эришилди. Бугунги кунда 20 га яқин корхона билан ҳамкорлик юзага келди. Янги хил техник маҳсулотлар электранспорт ҳаракат таркибида кенг фойдаланилмоқда.

Тошкент метрополитени ҳаракат таркибини таъмирлашда ишлатиладиган эҳтиёт қисмлар ҳам етарли даражага келтирилди. Тортиш двигателларини туб таъмирлаш ишлари жадаллашди. Тошкент метроси таркибида навбатдаги электродепонинг ишга туширилиши ҳаракат таркибини сифатли таъмирлаш ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш кўламини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлди.

Бинобарин, ҳисобот даврида «Тошшаҳарйўловчитранс» уюшмаси саноат корхоналарида жами 454 номда зарур эҳтиёт қисмларни чиқариш ўзлаштирилди.

**Акбар АЛИЕВ**

## «Татра»ларга эҳтиёт қисмлар

Ҳозир пойтахтимизда «Татра» трамвай вагонларидан кенг фойдаланилмоқда. Чехиядан келтирилган бу хил замонавий ва қулай транспорт воситасини таъмирлаш билан «Тошкентшаҳартатрасервис» маркази шуғулланмоқда.

Корхонада чех вагонлари эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. 80 дан ортиқ номда тайёрланаётган бу хил деталлардан йилига бир миллион доллар ҳажмида иқтисодий фойда кўрилади.

**Аҳад АЗИМОВ**

